O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Куч—адолатда

# Адолат

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган · 1998 йил, 7 август, № 31 (174) · Жума кунлари чиқади · Сотувда эркин нархда

# ТАРИХ — БУЮК ТАРБИЯЧИ

*Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.*

**Ислом КАРИМОВ.**




Бугун биз ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк ва мўътабар сана — Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 7 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Бундан 7 йил муқаддам эски мустамлакачи ва мустабид тузум кишанларидан халос бўлиб, озод ва обод ҳаёт қуришга, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашга қатъий азму қарор қилган эдик.

Етти йил инсоният тарихида бир зум, балки бир дақиқадир. Лекин шу йиллар мобайнида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар қилинди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматини, бўйбастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину-эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди». Энг муҳими, мустақиллик бизга миллий ўзлигимизни англаш имкониятини берди. Миллий ўзликни англаш деганда биз, энг аввало, муайян миллатга мансубликни англаймиз. Миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини билишни, миллий қадриятларга садоқатни тушунамиз. Миллат ўзининг ҳозирги кундаги эҳтиёжлари ва манфаатларини англашини, унинг келгусидаги ривожланиш йўлларини билиши ҳамда шу мақсадда виждонан хизмат қилишини кўнгилдан ўтказамиз.

Кўриниб турибдики, миллий ўзликни англашнинг энг муҳим унсурларидан бири миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англашдир. Миллатга мансубликни тушуниш бу шахснинг ўз миллатига дахлдор барча асосий маълумотлар (ахборотлар)ни билиши, унинг умуминсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англаши ҳам демакдир. Ўз миллатининг узоқ-яқин ўтмишини, бошқалардан фарқли хусусиятларини (ҳам ижобий, ҳам салбий), қадриятларини билмайдиган шахсда фахр-ифтихор туйғуси шаклланмайди. Миллий ғурури уйғонмаган шахсдан, ўз навбатида, миллатга, унинг қадриятларига садоқатни талаб этиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам миллий ўз-ўзини англаш тушунчаси таркибидаги муҳим унсур — у ёки бу миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англашига ҳам миллатга мансубликни билишининг мантиқий давоми сифатида қараса бўлади.

Муайян миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англаши қандай вазифани бажаради? Бу саволга жавоб излаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, зеро у алломалар бисотида алақачон зуҳур бўлган.

Масалан, насроний илоҳиётчи А. Августин «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун аввало унинг тарихини уйғотиш керак» — деган эди. Ҳақиқатан ҳам, тарихидан бехабар одам сўқирга ўхшайди, қаёққа етакласанг ўша ёққа кетаверади. Шунинг учун Президентимиз И.А. Каримов ҳаққоний тарихни яратиш ва унинг воситасида халқимизнинг ғururини, ифтихорини ўстириш муаммосига бот-бот эътиборни қаратмоқда. «Биз нега тарихий қадриятларимизга, буюк боболарларимизга бу қадар эътибор бердик? Уларни халқимизга қайтаришга, танитишга ҳаракат қилдик? — деган саволга жавоб бериб у таъкидлади: «Мақсад шу эдики, ҳар бир инсон ўз умрини ана шу табаррук зотлар кечирган ибратли ҳаёт билан таққослар экан, кўнглидан «мен ана шу салафларимизга муносиб ворисманми?» деган саволлар ўтсин. «Улар шу қадар буюк мерос қолдирибди, мендан нима қолади?» деган туйғу билан ўз фаолиятини баҳоласин».

Дарҳақиқат, тарих — буюк тарбиячи. Онги — шуури заифлашган, ғурури топталган ҳар қандай халқни бу қудратли тарбия воситасидан кўпроқ, самаралироқ баҳраманд қилиш зарур. Афсуски, туркий халқлар, жумладан, Марказий Осиёда азал-азалдан яшаб келаётган миллатлар ўтмишининг жуда кўп саҳифалари чалкаш ётибди, ҳужжатлар эса оёғи осмондан қилиб тасвирланган, сабаби — тарих фани ҳам узоқ йиллар ҳукмрон сиёсатнинг қурбони бўлиб келди. Эндиликда бу хатони зудлик билан тўғрилаш, шу орқали халқимизнинг миллий ғурури, ифтихорини тиклаш лозим.

Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А. Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобида таъкидлайди: «Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилик тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётини ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия этган бўлур эдим».

Тарихни буюк тарбиячи дедик. У мустақиллик туфайли миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Унинг воситасида янги фуқаролик онги шакллантирилмоқда.

Маънавият, тарих миллий истиқлол мафкурасининг ўзагидир. Миллий ўзлигини англаган миллатнинг, халқнинг фарзандлари миллий мафкура воситасида бирлашадилар, ўз олдиларига буюк мақсадлар қўядилар.

Миллий бирлик эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

**Жўрақул БАҲРОНОВ,**
**Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти фалсафа ва ҳуқуқ кафедрасининг мудири, сиёсий фанлар доктори.**

# САМАРҚАНД: истиқлолнинг қутлуғ қадамлари

## «ҚАЛДИРҒОЧ» КОРХОНА БАҲОРИ

«Каттақўрғонёғмой» ҳиссадорлик жамияти республикамиз маҳаллий саноатининг қалдирғоч корхоналаридан ҳисобланади. Табиийки, узоқ йиллар мобайнида фойдаланиб келинган техник ускуналарни янгилаш, маҳсулот тайёрлашни жаҳон андозаларига мос технологик линияларга кўчириш жамоа олдида турган асосий вазифага айланган.

Яқинда корхона раҳбари Искандар Эшбеков бир гуруҳ ўзбекистонлик ишбилармонлар билан Германия сафарида бўлиб Хемницеда «Лурчи» фирмаси билан ғоят фойдали шартномани имзолаб қайтди. Унга мувофиқ немис мутахассислари Каттақўрғондаги заводда суткасига 50 тоннагача юқори даражада тозаланган, махсус идишларда қадоқланган ёғ ишлаб чиқарадиган янги линияни ўрнатиб берадиган бўлишди. Бу ишга сарфланадиган валюта маблағини эса Германиянинг нуфузли «Берлин банк»и ва Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ўз зиммасига олди.

## СЕҲРЛИ ДИЁР ТАРАННУМИ

Самарқанддаги истиқлол билан тенгдош СТВ телекомпанияси жаҳон ахборот агентликлари билан ҳамкорликда кўплаб туркум кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар яратмоқда. Яқинда самарқандлик тележурналистлар Америка Қўшма Штатлари ҳақида ҳикоя қилувчи учинчи фильмни суратга олиб қайтишди. Унда АҚШда чуқур илдиз отган демократик тамойиллар, бозор иқтисодиётининг кўплаб мамлакатлар учун сабоқ бўладиган ривожланиш йўллари акс эттирилган.

Фильмни суратга олишда «ЮСИА» ахборот агентлиги ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари яқиндан ёрдам кўрсатишди.



## ЯНГИ БАНК—ИСЛОҲОТЛАР ХИЗМАТИДА

Жомбойда республика Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг туман бўлими очилди. У банк алоқалари учун зарур бўлган энг замонавий компьютер ва электрон ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанада янги банк туман иқтисодиётига хорижий сармояларни кенгроқ жалб этиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат экспорти салоҳиятини оширишга яқиндан хизмат қилажаги таъкидланди.

## «САБР»НИ ЕВРОПАДА ҲАМ БИЛИШАДИ

Самарқанддаги «Сабр» ишонч марказини Европада ва ҳатто Океан ортида ҳам билишади. Зотан, бу давлат ташкилоти яқинда АҚШ, Буюк Британия давлатлари Президентлари ва Европа Иттифоқи раҳбарлари имзолаган фахрий диплом ҳамда 20 минг доллар миқдоридаги мукофотга сазовор бўлганлиги «Сабр»нинг халқаро доирада эътироф этилаётганлигидан далолатдир.

Республикада ягона ҳисобланган ана шу ишонч маркази фуқаролар ўртасида тенгликни, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти ва демократия тараққиётини кучайтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. «Сабр»ни айниқса, маънавий ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашиш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти эътиборга лойиқдир. Марказ ходимлари ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш, муаммолар кўламини кенгроқ аниқлаш мақсадида вилоятнинг олис туманларига ҳам хизмат сафарига чиқишмоқда.

## ЁШЛАР ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДА

Самарқандда республика мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаб «Энг улуғ, энг азиз» деб номланган кўрик-танлов эълон қилинди. Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилаётган бу тадбирда асосан ёш ижодкорлар юртимиз истиқлоли, равнақи йўлида сидқидил меҳнат қилаётган замондошларимиз ҳақида ўз асарлари, туркум мақолалари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлари, фотосуратлари билан иштирок этадилар.

Мустақиллик байрами арафасида якунланадиган танлов ғолибларига шаҳар ҳокимлигининг қимматбаҳо мукофотлари топширилади.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Адолат»нинг ўз мухбири.**

## ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

**Мустақиллик бизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, қадр-қимматини, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди.**

**Мустақиллик улкан табиий, минерал хом ашё, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурсларимиздан ҳамда юртимиз салоҳиятидан, энг аввало, ўз халқимиз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишимизга шароит яратди.**

**Бизга берилган имконият юз йилда бир марта келиши мумкин. Асосий масала шундан иборатки, мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга омон етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз лозим.**

**Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатади.**

## Internet
### ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

❖Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Молдова Республикаси дунёдаги энг камбағал давлатлар сафига кириб қолди. Шу сабабдан ҳам Молдова Жаҳон банкидан зудлик билан ёрдам маблағлари олади. Жумладан, яқин йиллар ичида Жаҳон банки Молдовага умумий қиймати 175 миллион доллар бўлган маблағ ажратишга қарор қилган.

**❖Латвия ўзининг Россия билан чегараларини қайта тиклаш ишларини бошлаб юборди. Латвия Ташқи ишлар вазирлиги баёнотига кўра, бу борада Россия билан имзоланган келишув ҳаётга тадбиқ этилмаяпти. Шунинг учун Латвия ҳукумати чегараларни қайта тиклаш ишини бир ўзи бошлаб юборди. Ҳозир Латвия ва Россия чегараларида рухсатнома пунктларини янгилаш ва чегара тўсиқларини таъмирлаш ишлари кетмоқда.**

❖Покистон ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қирувчи самолёт Карачи шаҳри яқинидаги аҳоли зич жойлашган қишлоққа қулаб тушди. Бу ҳалокат оқибатида олти киши қурбон бўлди, 25 киши оғир жароҳат олди. Самолётнинг портлаши оқибатида ёнғин юзага келиб, катта майдондаги уйлар куйиб кул бўлди.

**❖Япониянинг янги Бош вазири Кейдзо Обути АҚШ Президенти Билл Клинтон билан телефон орқали сўзлашди. Икки томон Япония ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ҳамда Осиёдаги молиявий ва иқтисодий инқирозни бартараф этиш юзасидан фикр алмашдилар.**

❖ Ливан Бош вазири Рафиқ ал-Ҳароройининг баёнотига кўра, Исроил 1999 йилда ўз қўшинларини Жанубий Ливан ерларидан олиб чиқиб кетади. Исроил 1978 йили ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Жанубий Ливаннинг бир қисмини босиб олган эди. Олиб борилган музокаралар натижасида Исроил ҳукумати Ливандаги ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга розилик билдирган.

### «Ҳосил—98»

## ҒАЛЛАКОРЛАР ЮТУҒИ

***Оқолтин тумани Сирдарё вилоятининг чўл ҳудудидаги энг йирик туман ҳисобланади. Бу йил туман меҳнат аҳли 13 минг 880 гектар майдонда ғалла маҳсулотлари етиштирди.***

Чўлқуварлар фидойилик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Ҳар гектар майдонга 700 килограммдан минерал ўғит солинди. Ғалла етиштирилаётган майдонлар уч мартадан сифатли равишда суғорилди. Натижада туман ғаллакорлари 31 минг 500 тонна ғалла етиштириб, давлат буюртмасини шараф билан бажардилар. Бу катта ғалабага «Сардоба», «Андижон», «Фарғона», К. Укубоев, Усмон Носир, С. Сиддиқов номли хўжаликлар аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. «Мирзақудуқ», «Дилшод», «Книбек», «Бегмат», «Тўқмоқ», «Пахтакор» каби деқон-фермер хўжаликларида эса ҳосилдорлик 45-60 центнерга етди.

Туман далаларида ҳосилни йиғиштириб олиш давом этмоқда. Ғаллакорлар жами ҳосилни 35 минг тоннага етказишга аҳд қилганлар. Ҳосили ўриб олинган майдонлар зудлик билан шудгор қилинмоқда. Бу майдонларнинг 200 гектарида маккажўхори, 110 гектарида сабзавот, 100 гектарида эса шоли ва бошқа экинлар етиштириш мўлжалланаётир. Уруғлик буғдойни бу йил анча аввал, яъни 15-20 августда экиш кўзда тутилаяпти. Келгуси йил ҳосили учун пухта замин тайёрланмоқда.



# ЎЗБЕКИСТОНИМ

### Истиқлол мадҳи

**Мен куйлайман то ўлгунча она Ватанни,**
**Ватан учун бағишлайман жон ила танни,**
**Тополмайсан излаб юрма бундай маконни,**
**Ўзимники пахтаси-ю ҳар бошоқ доним,**
**Озод диёр, обод диёр Ўзбекистоним.**

**Осмон ўпар тоғларингда оппоқ қорларим,**
**Кундан кунга кўпаймоқда дўсти ёрларим,**
**Кўз очмоқда пинҳон ётган сирли ғорларим,**
**Туёғидан ўт чақнаган ғиркўк тулпорим,**
**Озод диёр, обод диёр Ўзбекистоним.**

**Қўш кўлласин қодир эгам халқим меҳнаткаш,**
**Осмонингда беминнатдур қуёшинг оташ.**
**Салобатли юртлар ичра кўтаролдинг бош,**
**Меҳнатингдан яралгандур юксак хирмоним,**
**Озод диёр, обод диёр Ўзбекистоним.**

**Сарҳадларинг ўпиб оқар Сайҳун ва Жайҳун,**
**Сулув қизлар Лайли бўлса, йигитлар Мажнун,**
**Зухроларинг йиғлаб ўтган Тоҳир бағри хун,**
**Муҳаббатни қон қақшатган ўтмиш замоним,**
**Озод диёр, обод диёр Ўзбекистоним.**

**Ватанимга олайтмагил кўзларинг ғаним,**
**Темурийлар авлодиман қайнагай қоним,**
**Туя бўлмас энди асло ўз буғдой ноним,**
**Тинч тотувда яшамоққа бордир имконим,**
**Озод диёр, обод диёр Ўзбекистоним.**

**Мустақил деб айта олган Исломинг сардор**
**Олам узра мағрур бошин эгмагай зинҳор,**
**Юртин ўйлаб туну кунлар ўтказар бедор,**
**Ўз тамғаси, ўз байроғи янгроқ маконим,**
**Озод диёр, обод диёр Ўзбекистоним.**

**Айта берсам адо бўлмас дардларинг ўтди.**
**Сарбонларинг бобо Темур измини тутди,**
**Олам узра ўзбекларни рўй-рост танитди,**
**Йўл кўрсатар руҳи шоддир Соҳибқироним,**
**Адолатда куч дегани-Ўзбекистоним.**

**Ҳали кўпдир ғанимларинг пайтини пойлар,**
**Кўзи очиқ оҳ кўрларни оғзини мойлар,**
**Наҳот яна топталади табаррук жойлар,**
**Тарихингдан сим-сим оқар қипқизил қоним,**
**Ўз йўлингдан адашмагил Ўзбекистоним.**

**Қон қақшатиб келдиларку билми зўрларни,**
**Ишонтириб ёлғонларга гала ғўрларни,**
**Кўпайтириб бой Ватанда бахти шўрларни,**
**Сибирларда қон қақшаган оҳ, жоним маним,**
**Мардларидан ажраб етим Ўзбекистоним.**

**Ҳар даврнинг ўз йўли бор ўзгадур имкон,**
**Ўтганлардан хато излаш бу жуда ёмон,**
**Огоҳ бўлинг, ҳар қадамда қалтисдир замон.**
**Бир-бирингни авайлагин инсоф-имоним,**
**Озод диёр, обод диёр Ўзбекистоним.**

**Олислардан бўйлаганда қаддинг беқиёс,**
**Бағри кенглик, меҳри дарё ўзбекларга хос,**
**Олам узра жар солмоққа бор ахир асос,**
**Ўз ўрнини топа олган буюк жаҳоним,**
**Озод диёр, обод диёр Ўзбекистоним.**

**Ўзбегим деб куйлаганда Эркин ўғлонинг,**
**Мадҳиянгни ёза олди Абдулло шонинг,**
**Тўғри йўлга чиқиб олди буюк карвонинг,**
**Озод юртим, обод юртим-Ўзбекистоним,**
**Буюклардан буюк халқим-Ўзбекистоним.**

**Рустам ОЧИЛ.**



